




# ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

РЎЗНОМА 1928 ИИЛ 11 ДЕКАБРАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ,  
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНING БОШ НАШРИ

• 1991 йил 22 июнь • шанба •  
№ 119 (10.115). Баҳоси 10 тийин.



Учрашув пайти.

А. ГОРОКРИК ва Р. ЖУМАНИЕЗОВ олган сурат. (ЎзТАГ).



## Ўзбекистон ССР Президенти И. А. КАРИМОВ «Тошкент ишбилармонлар учрашуви»нинг қатнашчилари билан учрашди

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов биринчи «Тошкент ишбилармонлар учрашуви»да қатнашиш учун республика пойтахтига келган чет эллик ишбилармонлар билан 20 июнь куни учрашди. У республика вазирликлари, идоралари ва корхоналари билан ўзаро манфаатли алоқа боғлашга, Ўзбекистон иқтисодийни мустақамлаш, унинг самарадорлигини ошириш учун амалий ёрдам беришга қарор қилган дунёнинг ўйлаб мамлакатлари тадбиркорларига ташаккур айтди.

Бу учрашув хорижий савдо-саноат доираларининг намоёндаларини гоёт қизиқтирди. Вазирлар Маҳкамасининг катта зали одамларга тўлиб кетганини айтиш кифоя.

И. А. Каримов ушбу муътабар анжуманнинг мақсадларига батафсил тўхталди. Сиёсий ва иқтисодий турмушдаги туб ўзгаришлар, республиканинг мустақиллиги ҳақида декларация қабул этилганлиги унинг халқаро бозорга мустақил чиқиши учун кенг истиқболлар очиб берганлиги қайд этилди. Ҳозир Ўзбекистондаги вазиятнинг барқарорлиги, интизомнинг мустақамлиги ишбилармонликни ривожлантириш, республика иқтисодиётига ажнабий капитални жалб этиш учун ишончли кафолатдир. Ишбилармонлар учрашуви арафасида ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССРда ажнабий сармоялар ҳақида республика олий кенгаши қабул қилган қонунлар яна бир жиддий кафолат бўлиб қолди.

Республика Президенти Тошкент учрашуви ишнинг боришини қисқача таҳлил этди. Ҳозир, учрашув айна қизиган пайтда, деди у бу ерга келган тадбиркорларни шартли равишда уч тоифага бўлиш мумкин. Респуб-



ликага жиддий ниятлар билан, сармоя сарфлашининг ва қўшма корхоналар барпо этишнинг пухта ишланган лойиҳалари билан келганлар биринчи тоифага мансубдир.

Ҳамжиҳатлик йўлини самарали равишда излаётганлар, ўзаро манфаатли ҳамкорликка оид таклифларни ўрганаётганлар иккинчи тоифага кирадилар. Ҳали узил-кесил бир тўхтама келмаган кишилар учинчи тоифага мансубдирлар. Бу ўринда хорижий ишбилармонларнинг айби йўқ. Амалий музокара-лар олиб бориш соҳасида вазирликлар ва идоралар ходимларининг тажрибаси ҳали етарли эмаслиги сезилаётганини республика Президенти уқтириб ўтди.

Республика савдо-саноат доираларининг намоёндалари Тошкентга келган барча ишбилармонлар бу ердан жиддий режалар билан жў-

наб кетишларини хоҳлаётганликлари учрашувда таъкидлаб ўтилди. Агар ҳозирги тадбирнинг вазифалари қисқача таърифланадиган бўлса, бу вазифалар республиканинг иқтисодий имконияти билан яқинроқ танишишдан, мижозлар топишдан, улар билан ўзаро манфаатли асосда фаол ҳамкорлик қилишдан иборат.

И. А. Каримов фирмалар, компаниялар, корпорациялар ва банклар вакилларининг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтариб, Иттифоқ шартномасининг қабул этилиши мустақил республикаларда қўшма корхоналар барпо этиш соҳасидаги ишни анча осонлаштиришга, чет эл бозорига мустақил чиқишга, иш эвазига фойда олишга, бинобарин истеъмол бозоридаги аҳволни барқарорлаштиришга ёрдам беради, деб таъкидлади. Ўзбекистон хўжалиқ юритишининг янги шариоатида хом ашё минтақасидан халқ хўжалиги мажмуининг турли тармоқларида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга асосий эътибор бериладиган иқтисодий жиҳатдан ривожланган республикага айланиши мумкин ва лозим Ўзбекистон пойтахтига келган тадбиркорлар аввало ишбилармонлик билан боғлиқ бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлашда катта ёрдам беришлари мумкин. Уларга бериладиган таълим учун республика ҳақ тўлашга тайёр. Йигит-қизлар менежмент-маркетинг сирларини ўрганиб олишлари табиий.

(Давоми 2-бетда).

## ҲАМИША ЁДДА ТУТАМИЗ

20 июнь куни Тошкентда Улуғ Ватан уруши бошланганининг 50 йиллиги муносабати билан уруш, меҳнат ва Қуроли Кучлар фахрийлари, шаҳар жамоатчилигининг йиғилиши бўлди.

Йиғилишни Уруш ва меҳнат фахрийлари Ўзбекистон республика кенгашининг райси Р. Ғ. Ғуломов очди.

Йиғилишда Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник И. В. Фуженко нутқ сўзлади.

Катта ва ёш авлод вакилларининг нутқларида фашистлар Германиясининг мамлакатимизга қўқисдан бошлаган ҳужумига СССР халқларининг жипслиги, фронтда ҳамда фронт ичкарасидаги оммавий мардлик ва қаҳрамонлик

туфайли муносиб зарба берилгани таъкидланди. Тарихни унутиб бўлмайди. Бинобарин ҳозир биз тушиб қолган мураккаб аҳволдан қутилиш учун мамлакатимиз барча халқлари куч-ғайратини ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ жипслаштириш зарур. Ёшларни ватанпарварлик ва байналмилалчилик руҳида тарбиялаш ниҳоятда муҳимдир.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби К. Ю. Юсупов, Тошкент шаҳар партия қўмитетининг котиби Х. М. Абдураимов иштирок этдилар.

Кенгаш қатнашчилари уруш, меҳнат ва Қуроли Кучлар барча фахрийларига, Ўзбекистон меҳнаткашларига ва ёшларига мурожаат қабул қиладилар

ТОШКЕНТ ШАҲАР УРУШ, МЕҲНАТ ВА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ФАХРИЙЛАРИ ЙИГИЛИШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БАРЧА УРУШ, МЕҲНАТ ВА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ФАХРИЙЛАРИГА, МЕҲНАТКАШЛАРИГА ВА ЁШЛАРГА

## МУРОЖАТИ

Ҳурматли ўртоқлар! Қадрли уруш, меҳнат ва Қуроли Кучлар фахрийлари!

Бизнинг шонли ёшларимиз!

50 йил муқаддам гитлерчилар Германияси Ватанимизга уруш эълон қилмай тўсатдан ҳужум бошлади, СССРнинг бутун ғарбий чегараси бўйлаб ғарбий ҳужум ҳаракатларини авж олдириб юборди. У бизнинг барча социалистик ғалабаларимизни йўқ қилишни, Совет Иттифоқини давлат сифатида тугатишни, СССР халқларини қул қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Бутун совет халқи Ватанимиз озодлиги ва эркинлиги учун фашист босқинчи-

ларига қарши курашга отланди.

Совет халқининг гитлерчилар Германиясига қарши муқаддас Улуғ Ватан уруши бошланди.

Бу инсоният тарихида энг даҳшатли, энг шафқатсиз, энг кўп қон тўкилган уруш бўлди, унда совет кишилари зиммасига жуда оғир синовлар тушди.

Фашистлар бошлаган уруш оловида миллионлаб совет кишилари ҳалок бўлди, минглаб шаҳар ва қишлоқлар вайрон қилинди, неча ўн минглаб заводлар, фабрикалар, халқимиз миллий бойлигини ташкил этган маданият муассасалари яқсон этилди.

(Давоми 2-бетда).

# Ўзбекистон ССР Президенти И. А. КАРИМОВ

## «Тошкент ишбилармонлар учрашуви»нинг қатнашчилари билан учрашди

(Давоми. Боши 1-бетда).

И. А. Каримов «Тошкент ишбилармонлар учрашуви»нинг истиқболларига муфассал тўхтади. У мазкур анжуманинг муҳимлигини, унинг ишбилармонлигини ривожлантириш, республиканинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш учун бебаҳо аҳамиятга эга бўлиши мумкинлигини қайд этиб, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик асосидагина жиддий натижаларга эришиш мумкинлигини таъкидлади. Чунки бу соҳада, охир оқибатда, ишлар, таклифлар, қўшма режалар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Ҳозирги анжуманга келганда, шунини айтиш керакки, у дарҳол ўз натижаларини берди. Турли тармоқларда қўшма корхоналар

барпо этиш тўғрисида ҳужжатлар имзоланди. Республика бозорига мўл-кўл чиқарилиши лозим бўлган кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришга асосий эътибор берилди. Учрашувда сўзга чиққан Покистон, Ҳиндистон, Гонконг, Германия, АҚШ, Италия ва бошқа мамлакатларнинг тадбиркорлари шу кунлардаги иш яхши уюштирилганлиги учун республика раҳбариятига самимий миннатдорчилик билдирдилар. Улар вужудга келатган масалаларни тезроқ ҳал этишга доир бир қанча таклифларни айтишди. Шу ернинг ўзиде мазкур масалаларни билимдонлик билан тез ҳал этишлари мумкин бўлган вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари улар билан таништирилди.

Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хивада ва республиканинг бошқа шаҳарларида чет эл фирмаларининг ҳамда компанияларининг маҳкамалари очилишига алоҳида аҳамият берилди. Бу ишда маҳаллий маъмурлар томонидан тадбиркорларга кўмак ва ёрдам берилди. Учрашув охирида Ўзбекистон ССР Президенти биринчи «Тошкент ишбилармонлар учрашуви» қатнашчиларига улар фаолиятида муваффақиятлар тилади. Тадбиркорларнинг Ўзбекистонга келиши Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий имкониятларини мустаҳкамлашга, унинг жаҳон бозорига чиқишига, ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ривожлантиришга кўмаклашади, деб умид билдирди. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ШАҲАР УРУШ, МЕҲНАТ ВА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ФАҲРИЙЛАРИ ЙИГИЛИШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БАРЧА УРУШ, МЕҲНАТ ВА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ФАҲРИЙЛАРИГА, МЕҲНАТКАШЛАРИГА ВА ЕШЛАРГА

## МУРОЖААТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бироқ совет кишилари, Коммунистик партия, совет тузуми бу синовларга шараф билан дош бердилар ҳамда ўз Ватанларининг шон-шухрати ва мустақиллиги учун курашда тарихий ғалабани қўлга киритдилар, уруш ва урушдан кейинги вайронагарчиликлар келтирган мислсиз қийинчиликларни енгиб ўтиб, қисқа муддатда вайрон бўлган халқ хўжалигини тикладилар, хароба шаҳарлар ва қишлоқларни қайтадан бунёд этдилар.

Фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам салмоқли ҳисса қўшдилар. Юз минглаб ўзбекистонликлар фронтга жўнаб кетишди, дастгоҳлар олдида, жамоа ва давлат хўжаликлари далаларида фидокорона меҳнат қилишди.

Ўзбекистон ҳудудида кўчириб келтирилган бир миллиондан ортиқ совет кишини, 200 минг болани ва 200 тадан кўпроқ катта корхонани қабул қилиб жойлаштириш ҳар доим СССР барча халқлари байналмилал қардошлиги ҳамда дўстлигининг рамзи бўлиб хизмат қилади. Ана шу корхоналар қисқа муддат ичида ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқара бошлаган эди.

Биз жумҳуриятимиз барча аҳолисини ана шу нарсаларнинг ҳаммасини доимо ёдда тутишга, ҳаётдан кўз юмган ва биз билан

ёнма-ён яшаётган ҳар бир совет кишининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссасига муносиб баҳо беришга чақирамиз.

Биз Ленинга ўрнатилган ёдгорликлар ва давлат рамзлари таҳқирланаётганлигидан ғазабланышимиз, маънавиятимиз ва маданиятимиз пасаяётганлиги, миллатлараро нифоқлар намоён бўлаётганлигидан ташвишланышимиз.

Биз ҳозир ҳаёт бўлган Улуғ Ватан уруши аскарлари, аскарларнинг бебалари, фронт ичкарисида гер тўққан меҳнаткашларга ғамхўрлик кўрсатишга, ҳозирги нотинч давримизда тинчлик ҳамда фаровонликнинг садоқатли ва ишончли посбони — Совет Қуrolли Кучларига ҳурмат бажо келтиришга чақирамиз.

Бизнинг ғамхўрлигимиз ҳар бир фахрий, шонли Совет Армиямиз ҳар бир жангчисининг қалбини иситсин.

Биз сиз, қадрли ўзбекистонликларни, жамият барча соғлом кучларини, буюк Ватанимиз тақдири қадрли бўлган барча кишиларнинг куч-ғайратларини бирлаштиришга чақирамиз.

Биз жамиятимизнинг ҳозирги танг аҳволини фақат биргаликда ва дўстликда енгиб ўтиб, барча совет кишилари яшаши ва меҳнат қилиши учун нормал шарт-шароит ярата оламиз.

УРУШ, МЕҲНАТ ВА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ФАҲРИЙЛАРИНИНГ ЙИГИЛИШИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

Тошкент шаҳри, 1991 йил 20 июнь.

## ИШБИЛАРМОНЛАР УЧРАШУВИНИНГ БИР ЖИҲАТИ

«Инвариант» Совет-Америка қўшма корхонаси «Тошкент ишбилармонлар учрашуви» доирасида катта маданий программани таяёрлади. Кўпгина ишбилармонлар иқтисодий музокаралар олиб боришга ажратилган қимматли вақтларини Ўзбекистон санъати билан танишишга сарфладилар.

«Инвариант»нинг шинам намоиши залида тасвирий ва амалий санъат кўргазмаси очилди. Бу ерда жумҳурият таниқли рассомларининг ҳам, ёш рассомларининг ҳам асарлари намоиш этилди. Ўзбек, рус, инглиз тилларида тарқатилган баённома мўйқалам усталари айна шу доираси танланиши сабабларини изоҳлаб берди: «экспозиция ижоди ўзига ҳослиги ва бетакрорлиги билан фарқ қиладиган муаллифлар билан таништиради».

Рассомларнинг кўпчилиги чет элларда кўргазма ташкил этиш тажрибасига эга. Масалан, Мухторхон Исонов ўз шахсий кўргазмаси билан Роттердам шаҳрида бўлган, Бахтиёр Маҳмамовнинг асарларини Англиядаги «Замон» суратлар галереяси сотиб олган. Кўргазмада асарлари намоиш этилаётган рассомларнинг энг яхши асарларини жумҳурият ва мамлакат музейлари сотиб олган. Ҳозирги кўргазма янги орбитада ўз ижодини намоиш қилиш учун имкониятдир. «Ин-

вариант» ҳомийлик қилиш — Ўзбекистон санъатининг энг яхши намоёндалари асарларини хорижий ишбилармонларга тақдим этиш вазифасини ўз зиммасига олди. Ўзбекистон мусиқа ва рақс санъатининг кичик бир жиҳатини акс эттирган концерт меҳмонларга катта завқ бағишлади. Унда жумҳурият халқ артисти Малика Аҳмедова, Элдор Азимов дирижерлик қилган «Ўзбекистон юлдузлари» симфоник камер оркестри қатнашди. Абдор Зуфаров сатода куйлар ижро этди, жумҳурият модаль маркази ўз ишларини намоиш қилди. Дастлабки танишиш, дастлабки таассуротлар. Ким билади, эҳтимол, бу танишиш ва таассуротлар давом этар, Ўзбекистон вакиллари халқаро майдонда ўзларини кўрсатишар.

ЎзТАГ мухбири.

## ЮЗ

### ДАҚИҚАЛИК ОРОМ

Тошкент ишбилармонлар учрашувининг қатнашчилари турли иқлим минтақаларидан, ҳар хил қитъа-ю мамлакатлардан келишган. Тошкент жазирамаси кимгадир таниш, кўпчиликка эса нотаниш. Бунинг устига шиддат билан ўтаётган музокаралар, иқтисодий мавзудаги суҳбатлар, битимлар тузиш... Буларнинг ўзи бўлмайди. Киши бир нафаслик оромни ҳам қўмсаб қолади.

Меҳмонлар шунини ҳисобга олиб, савдо-саноат доиралари намоёндаларини 20 июнь кунини пойтахт вилоятидаги «Огонёк» номли шўро хўжалигига таклиф этишди. Совхознинг соя-салқин боғида юртимиз ноз-неъматлари дастурхонга тортилди. Ҳаваскор санъатчилар даврани қизитдилар, ҳофизлар хониши янгради, Навоий ғазаллари билан мумтоз қўшиқлар айтилди.

Хўжалик раҳбари Зокир Раҳматуллаев совхоз йилига 5 миллион сўм соф даромад олаётганлигини айтди. Вино заводида хуштам мусалласлар тайёрланмоқда. 1300 гектар ерда боғ ва узумзор яшнаб турибди.

Меҳмонлар меҳмонларга ташаккур айтиб, Тошкентга йўл оладилар. Уларни пойтахтимизда яна қизгин иш кутиб турибди.

(ЎзТАГ мухбири).



СУРАТДА: учрашув қатнашчилари «Огонёк» хўжалигида.

А. ГОРОКРИК ва Р. ЖУМАНИЕЗОВ сурати. (ЎзТАГ).

• Бугун Улуғ Ватан уруши бошланганига 50 йил бўлди



Акром Пулатович АЛИМОВ номи вилоятимизда кўпчиликка таниш. Узоқ вақт партия ишида ишлаб, анча муътабар лавозимларда фаолият кўрсатган бу одам ҳозир уруш ва меҳнат фахрийлари вилоят кенгашига раҳбарлик қилмоқда. Яқинда — Улуғ Ватан уруши бошланган кунга 50 йил тўлиши арафасида у ўзининг хотираларини жамлаб, бир тўпلام тарихида муҳарририят ихтиёрига топширди. «Имкони бўлса буларни кейинчалик китоб тарихида чоп этмоқчиман», — деди у.

Хотиралар бизни ҳам қизиқтириб қўйди. Суронли йилларнинг оддий бир иштирокчиси тили билан ҳикоя қилинган тафсилотлар диққатга сазовор деб ўйлаймиз. Уларни бироз қисқартрилган ҳолда муштарийлар эътиборига ҳавола қилаётимиз. Бугун мазкур хотираларнинг биринчи қисми билан танишасиз.

лардан бўлиб Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлган Қўчқор Турдиев командирлик қилди. Ҳаммамиз унингдек бўлишга, тезроқ фронтга бориб қаҳрамонликлар кўрсатиб, шону шуҳратга бурканишга ошиқардик. Тўғри, буни ҳеч ким ошқора айтмасди, лекин пинҳона ҳаммамиз шуни ўйлардик. Қаттиқ ҳарбий интизом, тинка қуритар машқлар кечагина ўйнаб-қулиб юрган бўз болаларни шу қадар эзиб ташлар эдики, ҳатто ўринга қандай чўзилганимизни ҳам ҳис қилмай қо-

Льгов шаҳрига келтиришди. Бу ерда генерал-майор И. В. Пантук бошчилигидаги 129-ўқчи дивизия тузилган экан. Биз бўлажак дивизиянинг дастлабки жангчилари бўлдик.

Тарихга «Курск ёни» номи билан кирган ва Совет қўшинларининг улкан ғалабаси билан тугаган жанг ҳаракатлари бошланишига санақли кунлар қолганда, 63-армия таркибидаги бизнинг дивизиямиз жангчилари ўта маҳфий ҳолда олдинги марраларни эгаллаётган бўлади. Ҳаракат асосан кечаси бўлар, шунда ҳам қишлоқларни четлаб ўтардик. Қишлоқ деярман-у, аслида у ерда қишлоқдан номинишон ҳам йўқ, куйиб қул бўлган уйлар ўрнида печь мўриларигина қолган эди, холос.

# БУ ШУНДАЙ БОШЛАНГАН ЭДИ

Уруш бошланган йили ўқчидаги Файзулло Хўжаев номли 112-мактабни эндигина тугатгандим. Барча тенгқурларим қатори менинг ҳам олам-олам орзуларим бор эди: врач бўлсам, халқимга озгина бўлса-да мададим тегса деган эзгу ниятни дилимга тугиб қўйгандим. Бироқ уруш барча орзуларга гўрков бўлди, гарчи Тошкент табобат олийгоҳига имтиҳонсиз қабул қилинган бўлсам-да, талабалик шавқи-ю, ўқиш завқи насиб қилмади. Чунки ҳар куни радиокарнайлардан «сўнги ахборот»ни эшитиб, тарқалишадиган кишиларнинг қалбларидаги маъюслик нигоҳларига нафрат-у ғазаб бўлиб тошиб чиқар ва назаримда кун

бўйи мени таъқиб қилаётгандек бўлаверар эди. Эрта-индин Қизил Армия душманни Берлингача қувиб боради, қисқа муддатда оз қон тўкиб ғалаба қиламиз деган фикр шууримга сингиб кетгани учунми, «сўнги ахборот»да айтилган навбатдаги муваффақиятсизликдан, янги чекинишлар ҳақидаги хабарлардан ларзага тушардим. Нима бўлаётганига ақлим етмасди, лекин «тепадагилар» бирон нарсани ўйлашгандир-у, шундоқ бўлаётгандир, яқин кунларда фронтда туб ўзгаришлар бошланса керак деган умид билан яширинча ўзимни оутардим...

Уруш даҳшати «қора

хат»ларга айланиб маҳалларни кеза бошлади. Ҳалок бўлган ўриллар ўрнига оталар, акалар ўрнига укалар, фронтга отлана бошлашди. Акам Икромнинг жангда дом-дараксиз кетгани ҳақида хабар келди. Бу урушнинг биз ҳис қилган дастлабки жараҳати эди...

Отамнинг маслаҳати билан мен ҳам Тошкентдаги ўқчи командирлар тайёрлайдиган ҳарбий мактабга ҳужжатларимни топширдим. Уша пайтларда ҳарбий мактабларда ҳам таълим ва тайёргарлик муддатлари қисқартирилган, чунки фронтда кичик командирлар сув ва ҳаводек зарур эди.

Ҳарбий мактабда бизнинг бўлинимага, юртдошларимиз ичида биринчи-

лардик. Жангларда чиниққан Қўчқор Турдиев эса кулганича бизларга дамда берарди:

— Биласизларми, йигитлар, буюк лашкарбоши Суворов нима деган: «Машқда қанчалик қийналсанг, жангда шунчалик осон бўлади».

Бу гапларнинг ҳақлигига кейинчалик мен кўп марта имон келтирдим.

Сталинград жанги айнавжигача чиққан февраль тунларининг бирида, бизни «тревога» сигнали билан кўтаришди. Изғиринли қор ҳукмрон майдончага сафга тизилдик, мактабимиз бошлиғи қисқагина нутқ сўзлаб бўлажак жангларда зафар тилади. Биз фронтга отландик...

Бир неча кунлик машаққатли йўлдан сўнг бизни

Уруш фақат қаҳрамонликлардан иборат деган фикр ҳали ҳам бошимизда ўралашиб юргани учунми, ҳатто тун пардаси ҳам яширолмаган уруш даҳшатларини кўриб ўзимизни тутолмасдик. Шу қишлоқ аҳлининг ва уларга ўхшаган миллионларнинг қисмати кўз ўнгимиздаги манзаралар яққол намоён қилиб турганиданми беҳтиёр юраклар ачишар, бўғизга нимадир тиқилар, қўллар эса ўз-ўзидан мушт бўлиб тугилар эди.

Ҳа, уруш қаҳрамонлик эмас, уруш — кулфат, уруш — фожиа...

Бу ҳақиқатни бутун борлиғи билан тушуниб етгандек эдик...

А. АЛИМОВ.



## ТАРИХНИНГ УНУТИЛМАС ЛАҲЗАЛАРИ

● 1943 йил Смоленск области. Ҳалоскорларни кутиб олиш пайти.

● Қамалда қолган Ленинград учун Ладога йўли «ҳаёт йўли» эди.




● Ленинграддаги заводларнинг бирида кўнгиллиларни Қизил Армия сафига ёзиш пайти.

● 1941 йил 7 ноябрда Куйбишев шаҳрида қўшинлар паради.

● 1941 йил. Ленинград қамалда. Навбатдаги душман отишмасидан сўнг.

ТАСС суратлари.





Н шаҳар бўлиди. Қўйиш ти текши натижасида лар аниқса, шаҳар индилар ва тулалашда йўл қўйиб, ердан аланишдаги қайд қилин

муттасил назорат остида бўлмоқда. Биргина ўтган ойда 5 та текширув ўтказилди. Натижада сувдан фойдаланишда қатор нуқсонлар маълум бўлди. Сувни исроф қилишда, ифлослан тиришда, оқаваларни яхши тозаласликда айбдор бўлган мансабдор шахслардан 200 сўм миқдорда жарима ундириб олинди. «Оқ

А. Ҳайдаровга бир неча бор айрилди. Лекин ишда ўзгариш сезиларли бўлгани йўқ. Шунинг учун бу галги текширув натижалари бўйича раисга 50 сўм жарима солинди. ● БЕКОБОД ноҳиясидаги «Октябрь 46 йиллиги» шолчилик давлат хўжалигида ҳам минерал ўғитларни сақлашга етарли эъти

Айрим хўжаликлар раҳбарларининг айби билан сувнинг ортиқча сарфланиши ва ифлосланишига йўл қўйилди. Унинг айбдорлари аниқланди. 12 нафар мансабдор кишилар жами бўлиб 560 сўм миқдорда жарима тўлади.

Айниқса, «Сергели» давлат хўжалиги-саноат комплексида оқавани тозалашга умуман эътибор берилмапти, десак хато қилмаган бўламиз. Бу ҳақда хўжалик раҳбарлари бир неча бор огоҳлантирилди. Лекин шунга қарамай ҳали ҳам катта ҳажмдаги оқаваларни сув ҳавзаларига тушириб юбориш давом этмоқда. Хўжалик раҳбарларининг бундай лоқайдлиги қимматга тушди. Жаммоа 23,5 минг сўмликдан кўпроқ жарима тўлашга мажбур бўлди.

● АНГРЕН керамика комбинатида масъул раҳбарларнинг айби билан аτροφ-муҳитни ифлослан тирувчи ҳодисалар тез-тез содир бўлмоқда. Яқинда плита цехида мазутни идишга солиш вақтида ёнғил ундан тошиб кетган. Оқибатда нефть маҳсулотлари қудуққа тушган, сўнгра ариқдан оқиб Керамика кўрғонига етиб борган. Бундан ташқари тупроқни захарлаган. Бу воқеанинг айбдори бўлган плита цехи бошлиғи 50 сўм жарима тўлади. Оқава сувларни тозаласдан сув ҳавзаларига қўйилишига йўл қўйган «Маяк» чўчқачилик ширкати раисдан 100 сўм жарима ундириб олинди.

# ЖАРИМА УНДИРИЛДИ

ноҳия таъза қилиш наторчилари 15 та теклар. Атсаффо сақла амал қил 17 та хўжалик тирилди. ыга жами миқдорид

кўрғон» санаторийси бош врач З. Азимовга оқава сувларнинг коллекторга оқизилишига йўл қўйганлиги учун 100 сўм, унинг ўринбосари Т. Абдухамидовга 50 сўм жарима солинди.

● БУКА ноҳиясидаги Тимирязев номли жамоа хўжалигида минерал ўғитларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қондалари қўпол равишда бузилмоқда. Ўтказилган текшириш бу соҳадаги камчиликлар ҳамон давом этаётганлигини кўрсатди. Шунинг учун жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Б. Хўжамов 50 сўм миқдорда жарима тўлади. Жамбул номли жамоа хўжалигида ҳам кимёвий ўғитлардан фойдаланишда тартиб-қоида бузилмоқда. Бу хўжалик раиси

бор берилмапти. Шунинг учун бундай химикатлар ёйилиб ётипти, қор ёмғирда эриб тупроққа сингмоқда. Бунда хўжалик омбори мудир А. Бегимқуловнинг айби бор. Шунинг ҳисобга олиб ундан 30 сўм жарима ундириб олинди.

Сувдан фойдаланиш тартибини бузганликлари учун 10-хўжаликлараро механизацияланган кўчма колонна бошлиғи Н. Демин ва бош муҳандиси А. Нурматовларнинг ҳар бири 50 сўмлик жарима билан жозоландилар.

● ҒАЛАБА ноҳиясида сувни муҳофаза қилиш фаолияти бўйича текширишлар тез-тез ўтказилиб турилибди. Натижада сувдан фойдаланишдаги катта камчиликлар аниқланипти.

# ПИСТИЯ СУВ ТОЗАЛАЙДИ

Ўзбекистон паррандачилик фабрикаси шу саноат тармоғининг тўнғич корхоналаридан ҳисобланади. У 1968 йилда қурилган бўлиб, 454 мингта товуқ, 500 бош қорамол боқишга мўлжалланган эди. Бу ерда ҳар йили миллион доналар тухум ва тонна-тонналар парҳез гўшт етиштирилади.

Фабрика эҳтиёжлари учун ҳар йили салкам 2 миллион куб метр сув ишлатади. Оқава сувларнинг 750 минг кубометри тозаланadi. Идгари корхонада оқава сувлар ҳовузларда тиндирилиб, сўнгра хлор билан зарарсизлантирилгач, коллекторга оқизиб юборилар эди. Фабрика коллективи оқава сувларни тозалашнинг биологик усулини қўлламоқда. Бунда пистия ўсимлигидан фойдаланилапти. У паррандачилик фабрикаси ва уй-жой мавзенинг оқава сувларини тозалайди.

— Мана бу бизнинг тозалаш иншоотларимиз, — дейди бош энергетик Файзулла ака Раҳимов ёнмаён жойлашган учта катта ҳовузни кўрсатар экан. Уларнинг бири қисман бетонлаштирилган. Иккинчисида эса кўм-кўк яшил ўт ўсиб ётибди. Учинчисида эса тоза, тиниқ сув тўла.

Файзулла Раҳимович пистия ўтининг хусусиятларини мароқ билан гапириб берди. Унинг илдизлари оқава сувларда бўлган барча ифлосларни ушлаб қолар экан. Айни вақтда оқава сувлардаги минерал моддалар билан озикланар ва жуда тез кўпаяр экан. Ўсимликнинг бундай аж



иб хусусиятини Ўзбекистон ССР Фанлар академияси микробиология илм-гоҳининг биология фанлари доктори Р. Ш. Шоёқубов раҳбарлигидаги олимлар гуруҳи ҳосил қилишган.

— Пистиядан тўрт йилдан бери фойдаланиб келаяпмиз, — деб ҳикоясини давом эттирди Файзулла ака. — Унинг фойдаси катта бўлмоқда. Масалан, биргина ўтган йили биз оқава сувларни тозалашда шу ўсимликдан фойдаланиш натижасида 94,5 минг сўмлик иқтисодий самара кўрдик.

Корхонада бу табиий тозаланишдан қиш мавсумида ҳам фойдаланиш имкониятлари қидирилмоқда. Пистияни қиш шароитида ҳам ўстиришмоқчи. Бунинг учун ҳовузларнинг бири бетонлаштирилмоқда. Бу ерда иссиқхона барпо этилади ва оқава сувлар шу ҳовузда пистия ёрдамида тозаланиб, ҳавзаларга оқизиб юборилади.

Жамоанинг бу иши тақдирга сазовордир. Унинг самараси яққол кўриниб турибди. Шунинг учун пистиядан фойдаланишни бошқа паррандачилик фабрикалари тозалаш иншоотларида ҳам йўлга қўйилса, айни муддао бўларди. Афсуски, ҳозирча бунга етарли эътибор берилмапти. Ваҳоланки, аτροφ-муҳит муссаффолигини таъминлаш учун қатъий киришилган ҳозирги вақтда бу арзон ва самарали усулни ишлатиш катта наф келтирган бўлар эди. Шунинг ҳисобга олиб, имкони бўлган барча тозалаш иншоотларида ажойиб хусусиятли бу ўсимликдан фойдаланиш лозим.

Р. ИБРОҲИМОВ.



# ИЖОДКОРЛАР ҲАМ ЭЪТИБОР БЕРИШСА

КЕИИНГИ пайтларда рўзнома саҳифаларида, ойнаи жаҳон кўрсатувларида, радио эшиттиришларида табиати муҳофаза қилиш, унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш ҳақида тез-тез хабарлар, эшиттиришлар ва кўрсатувлар уюштирилмоқда. Бу кўриладиган тадбирлар кенг жамоатчиликка сезиларли даражада ўз таъсирини ўтказа олмаяпти.

Ҳар бир шахс, ҳар бир фуқаро, айниқса ҳар бир корхона ва муассаса раҳбари онгида кескин ўзгариш ясай олмасак, ўз бефарқлигимиз билан она табиатимизни тузатиб бўлмас даражадаги дардга мубалола этаверамиз. Бизнинг бундай номаъқулчиликларимиз исзис қолмайди. Бунинг учун табиат ўз ўзини олиши муқаррардир. Бу қасос қаттиқ аёвсиз бўлиб, бир неча авлодимизга ҳам таъсир этиши мумкинлигини ёддан чиқармаслигимиз даркор. Энди оқилона иш тутишимиз ва етказган зинларимизга даво топиб, мумкин қадар уларнинг ўрнини тўлғазишимиз керак бўлади.

Фикримизча, бу ишга мусаввирларимизни, сураткашларимизни, киночиликларимизни ва бошқа ижодкорларимизни кенг жалб қилиш ҳам керакка ўхшайди, яъни улар инсонлар онгида табиатга тўғри ва оқилона муносабатда бўлишга даъват этувчи кўплаб расмлар, суратлар, қисқа метражли фильмлар, мультфильмлар ишласанур устига аъло нур бўларди. Улардан фойдаланиб ҳар

бир болалар боғчаси-ю мактабда, ҳар хил ўқув юртлари, корхона ва муассасаларда ҳам «экология» бурчаклари ташкил этилган бўларди.

Биз назорат ишлари билан корхона, муассасаларда бўлганимизда ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат хавфсизлигини таъминлашга, фуқаро муҳофазасига тааллуқли ва яхшилаб безатилган турли-туман плакатлар ва суратлар қўйилган стендларни кўрамиз, тез-тез шунга тааллуқли кинофильмларни ишчи ва хизматчиларга кўрсатиб туришларини биламиз.

Ҳозирги кунга келиб табиати муҳофаза қилиш ҳам шундай долзарб масала бўлиб қолдики, эндиликда унга лоқайд қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ва бунинг ҳамма билиши керак. Тўғри баъзан «экология»га доир янгам-дукнам плакат ёки расмлар учраб қолади, лекин бирорта кўзга кўринган ёрқин сурат ёки тасвирлар йўқ ҳисоб. Борди-ю, ижодкорларимиз ўз ишларида экологияга доир тушунчаларни акс эттиришса, бу улғур ишга уларнинг қўшган муносиб ҳиссалари бўларди.


Ахир инсон фойдаланиши мумкин бўлган 0,5 сантиметрдан 2 сантиметргача қалинликдаги ер қатлами 100

йил ёки 18 сантиметр қалинликдагисининг ҳосил бўлиши учун 7000 йилдан ортиқ муддат керак бўлишини, бундай қатламни йўқ қилишга баъзан кўз очиб юмгунча вақт кетишини, ифлосланган 1 куб метр сув 40—60 куб метр тоза сувни булғашини, уни тозалаш учун эса 7—14 марта тоза оқар сувларда аралаштириш кераклигини, шунда ҳам ичишга яроқсизлигини, автомобиль карбюраторларининг нотўғри созланиши оқибатида ташқарига чиқаятган захарли газларнинг саломатлигимизга катта таъсир кўрсатаётганлигини, баъзи ҳолларда, инсонларнинг нобуд бўлишигача олиб келаятганлигини оддий фуқаро у ёқда турсин, кўпгина корхона раҳбарларимиз ҳам билмаслиги сир эмас.

Ушбу кичик мақолада баён қилинган фикр-мулоҳазаларимиз ижодкорлар уюшмалари томонидан инобатга олинса, айни муддао бўларди. Бу билан кенг жамоатчилик онгида табиатни асраш ва унинг бойликларидан оқилона фойдаланишда озми-кўпми ижобий ўзгаришларга эришган бўлиларди.

А. РАҲМАТУЛЛАЕВ, Ангрэн шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси.

КЕНТДАГИ 125-автокорхонада муссаффо сақлаш, оқава сувларга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ерда автомашиналарни юважой ускуналанди. Бу ердан чиқарилган сувлар тиндиргичларга тушиб, об-ҳаво ҳамда қайта фойдаланилади. Махсус ювиш станциясини кў



Ҳам иссиқ, ҳам ёруғ кошона. Сураткаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ.

Рабавулнинг аниқ японларнинг 12 навали: тлар учун лар учун лик хур- мат қилинмайдиганлар учун таққирлаш — масҳаралаш ва ҳоказо. Таъзим эса фақатгина олти турга бўлинади, шу жумладан ҳатто таниш бўлмаган японларга дуч келганда расмий кўришиш, қариндошлар ва яқинлар, айниқса, ёши бўйича улуғларга алоҳида ҳурмат билан таъзим қилиш ва ҳоказолар. Швецияда чиқадиган «Экспрессен» рўзномаси япон ахлоқ-одобининг шундай кўринишлари ҳақида ёзади.





# НАВО БЎЛИБ ТУҒИЛГАН ДАҲО

Улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг муборак номи ҳамisha халқимизнинг тили ва дилида. Даҳо сўз санъаткорининг гавҳарга тенг ғазаллари, инсонларни эзгулик ва адолатга чорловчи дostonлари кишилар қалбидан тобора мустақкам ўрин олмақда.

Маълумки, жумҳуриятимизда бу йил Алишер Навоий йили деб эълон қилинди. Шу муносабат билан жойларда Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланган турли тадбирлар ўтказилмоқда. Ана шундай кечалардан бири Ҳамза районининг Муқимий ҳамда Зебо Шамсуддинова номли маҳаллаларида бўлиб ўтди.

Маҳалла майдончаси байрамона безатилган. Алишер Навоийнинг каттакон сурати ҳамда унинг ғазаллари битилган алвонлар кишилар диққатини тортадиган жойларга илиб қўйилди.

Навоийхонлик даврасига тўпланган отахону онахонлар, ёшлар ҳамда кечага таклиф этилган олимлар

«Муножот» кўшиғини мароқ билан тинглашди.

Жумҳурият маънавий-маданият тарғиботи марказининг масъул ходими, тарих фанлари номзоди, элшунос Билол Аминов Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида гапириб берди. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Абдуҳамид Ғафуров тўпланганлар кўз ўнгига Навоий сиймосини гавдалантирди. Унинг ижросидаги шоир ғазалларини йиғилганлар ихлос билан тинглашди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси адабиёт билимгоҳининг Алишер Навоий бўлими мудири, филология фанлари доктори, профессор Абдуқодир Ҳайитметов, шу билимгоҳнинг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди Ёқубжон Исҳоқов, СССР халқ маорифи аълочиси, доцент Зинрилла Эгамбердиев Мир Алишер Навоий шеърияти, ғазал битишдаги ўзига хос услуби, сўзлардан тўғри ва ўрнида фойдалана билишдек маҳорати ҳақида сўзлашди. Унинг шу пайтгача кўплар билмаган битикла-

ри, кишиларни тўғри йўлга бошловчи, инсон ақл-заковатини чархловчи байтларидан, намуналар ўқишди. 213-мактаб ўқитувчиси Арофат Умарова эса Навоий ижодини ўрганишда мактабда олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб берди.

Навоийхонлик кечасида райондаги «Замондош» маданият уйининг «Ширин» раққоса қизлар, «Ижод» бадий ҳаваскорлик, «Юлдузлар» болалар дасталари ҳамда Сайёра Мусаева раҳбарлигидаги «Пахтаой» рақс дастаси аъзолари ўзларининг чиройли куй-қўшиқлари ҳамда рақслари билан иштирок этишди.

Машҳур халқ ҳофизлари ака-ука Сўфихоновларнинг набиралари Шавкат ҳамда Фарҳод Раҳимовларнинг Навоий ғазаллари билан ижро этган классик кўшиқлари кечага файз киритди.

Бу қизиқарли ва мазмундор кечани ташкил қилишда «Замондош» маданият уйининг директори Ойниса Аминованинг ҳам хизматлари катта бўлди.

Р. УСМОНОВА.



СУРАТЛАРДА: адабий кечадан лавҳалар. Сураткаш В. ТУРАЕВ.

## «ГАЛАБА» БОШҚОТИРМАСИ

ЭНИГА: 3. Қаҳрамон шаҳар. 6. Совет Иттифоқи Маршали, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 7. Уқлар тайёрлаш ашёси. 10. Таниқли ўзбек генерали, Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 11. Ҳарбий унвон. 12. Кема ва самолётларни бошқарувчи мутахассис. 17. Ғафур Ғулومнинг Улуғ Ватан уруши йилларида ёзган шеърларидан бири. 18. Узаро келишув, шартнома. 19. Мардлик, қаҳрамонлик. 21. Улуғ Ватан урушида асосий қўмондонлардан бири, ҳарбий арбоб, тўрт марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 22. Кўрқмас, жасур. 23. Улуғ Ватан урушида муҳим ўрин тутган шимолий денгиз. 24. Ҳарбийларнинг фарқли белгиси.

БҮЙИГА: 1. Езувчи. «Чин инсон ҳақида қисса» муаллифи. 2. Тезотар қурол. 4. Шўхратнинг «Олтин зангламас» романи қаҳрамони. 5. Ю. Бондарев романи. 8. Реактив куч таъсирида отиладиган қурол. 9. 1944—1945 йил майда Совет Армияси озод этган Болтиқ бўйи жумҳурияти. 13. Қуролли Кучлар мажмуи. 14. Улуғ Ватан урушида Висла дарёсини кечиб ўтишда жасорат кўрсатган бўстонликлик Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 15. Атоқли авиаконструктор. 16. Эшиттирувчи ва қабул қилувчи радио қурилма. 20. Сталинград жанги қўмондонларидан бири, ҳарбий арбоб, армия генерали. 25. Езувчи, «Еш гвардия» романи муаллифи. Ф. ОРИПОВ тузган.

## АМИР ДЕҲЛАВИЙ ДЕМИШЛАР...

Калит бўлиб келдинг, ўйинчоқ эмас.  
Бир-бир хазиналар оча олсанг бас!

Ўзинг ташна бўлсанг оби жўй етар.  
Кўзинг ташна бўлса обрўй кетар.

Мушукча муҳаббат бўлмаса ҳатто,  
Кучукдин ўргангил тариқи вафо.

Киши дардига ким ҳамдард эмасдир,  
Кишилар наздида ул мард эмасдир.

Бу гумбаз остида қил яхши овоз,  
Бу гумбаз, ҳар на дерсан, қайтарар боз.

Гар бир туя йиқилса юкчилик карвондин,  
Сарбонга юкнинг рами ортиқ туя жондин.

Хазина келтирган келиндан зинҳор,  
Тўғри, ростгўй келин яхшироқ минг бор.

Аёл оқида-ю эр ишбилармон —  
Бўлса кундан кунга обод хонадон!  
Тўпловчи: Гўзал ҚУРБОНОВА.

## РАССОМ ҲАЖВ ҚИЛАДИ.



Хамкасаба: — Анови милиционер хиралик қилмади-ми?  
— Уми, доимий миждозим-ку...

Сўзсиз сурат.  
А. Ҳақимов чизган расмлар.

### Ўзбекистон ССР Давлат ўрмон комитети ЯНГИ ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН

Угом-Чотқол давлат табиий мийлий боғининг директори ва директорнинг фан бўйича ўринбосари бўш лавозимларига

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ


Танловда ўрмоншунос, зоолог, ботаник, агроном-олим, иқтисодчи мутахассисликлари бўйича фан доктори ёки номзоди илмий даражасига эга бўлган шахслар иштирок этишлари мумкин.

Ихтисоси бўйича меҳнат фаолияти 5 йилдан кам бўлмашлиги лозим.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 49 «а» уй, кадрлар бўлими.

Боғ раҳбарияти қуйидаги манзилда жойлашган: Ғазалкент шаҳри, Лесхозная кўчаси.



## ФРАНЦУЗЧА ГАПЛАШАМИЗ

Тошкентда француз тили чуқур ўргатиладиган олий ўқув юрталари ва мактаблар муаллимлари учун ташкил этилган семинар ниҳоясига етди. Унда Урта Осиё жумҳуриятлари ва Қозғистондан келган муаллимлар, шунингдек СССРда Франция элчихонаси лингвистик ҳамкорлиги марказининг вакиллари, барча мамлакатларда ана шу тилни ўрганиш ва уни кенг тарқатиш муаммолари билан шуғулланаётган француз мутахассислари қатнашдилар.

Муҳокама дастурига француз тилидан дарс бериш усулини янгилаш, ўқитиш жараёнида видеотехника ва бошқа техникавий воситалардан фойдаланиш масалалари киритилган эди. Франциялик мутахассислар семинар қатнашчиларини ўз мамлакатларидаги таълим системаси билан таништирдилар.

10 кун давом этган семинар Ф. Энгельс номли Тошкент давлат чет тиллар илмгоҳи негизда уюштирилган эди. Бу илмгоҳда талабаларга таълим бериш усулини такомиллаштириш муаммоларига катта эътибор берилмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

Мухаррир  
Н. НАСИМОВ.

## Тошкент ҳақиқати

(«Ташкентская правда») Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов  
Издаётся на узбекском языке  
**МАНЗИЛГОҲИМИЗ:**  
700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32  
ТЕЛЕФОНЛАР: 33-40-48, 32-53-54 хатлар ва оммавий ишлар бўлими.